

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

335 Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юри-
тиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса,
ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига
ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 746-1*

(2010 йил 1 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон
Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон,
1-модда) мувофиқ **буюраман:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири томонидан 1999 йил 7 майда 834-сон билан тасдиқланган Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига (рўйхат рақами 746, 1999 йил 14 июнь) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 2 сентябрь,
163-Б-сон